

«NAZORAT-AUDIT» AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: ltd_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz

**«Хўжайли пахта тозалаш» АЖининг 2020 йил якуни бўйича тузилган
молиявий ҳисоботиға ижобий фикр билдирилган**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Хўжайли пахта тозалаш» АЖ раҳбариятиға

Ташкилотнинг маълумотлари:

Жамиятнинг тулиқ номи:

«Хўжайли пахта тозалаш» Акциядорлик жамияти (бундан кейинги матинда «жамият» деб юритилади)

Юридик манзили:

Қорақолпоғистон Республика, Хўжайли тумани Саршынгул ОФЙ.

Банк реквизитлари:

ОАТБ «AGROBANK» Қорақолпоғистон Республикаси Хўжайли тумани филиали жорий ҳисоб рақами 20210000500508870001. МФО 00602. СТИР 200394430. ОКЭД 17111.

Давлат рўйхатидан ўтган
гувоҳномази:

Қорақолпоғистон Республикаси Хўжайли тумани Хоқимлиги хузуридаги «Ягона дарча хизмати» томонидан Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида 2016 йил 25-июл кунги 3103-сонли гувоҳнома берилган.

Директор:

Суюншев Ерлан Халиллаевич.

Бош ҳисобчи

Бегдуллаев Елубай Базарбаевич

Асосий фаолият тури

Қишлоқ хўжалик ва бошқада ташкилотларға техника хизмати ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш, пахтадан иккаламчи маҳсулотлари сотишдан доромад олиш.

Аудиторлик ташкилоти маълумотлари:

Аудиторлик ташкилотининг
тулиқ номи:

Маъсулияти чекланган ҳамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти.

Юридик манзили:

Ўзбекистон Республикаси 100081, Ташкент шаҳри, Госпитал кучаси 11/2 тел: 95-144-74-55, 150-23-01.

Давлат рўйхатидан ўтганлиги
ҳақида маълумот:

Ўзбекистон Республикаси Юстиция Вазирлиги томонидан декабрь 2007 йилда берилган №545 Гувоҳнома.

Аудиторлик лицензияси:

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 11 апрел кунини берилган, барча хўжалик юритувчи субъектларда «Аудиторлик фаолияти билан шугулланишға руҳсат берувчи» №00811-сонли.

Банк реквизитлари:

Расчетный счет: 20208000604007713001 ЧЗАКБ «DAVR-BANK» Чиланзар бўлими, МФО-01046, ИНН 202884570, ОКОНХ 84400.

Аудиторлик ташкилоти
директори:

Назаров Боходир Нематович, САР, аудиторлик малака сертификати № 05207 26 апрель 2014 йил.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Назаров Баходир Нематович, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 26.04.2014 йилда берилган № 05207 сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «Хўжайли пахта тозалаш» АЖ ўртасида 20.03.2021 йилда тузилган 95/05-21 сонли шартномага асосан «Хўжайли пахта тозалаш» АЖнинг 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача бўлган даври учун тузилган ва раҳбарият томонидан 20.02.2020 йилда тасдиқланган «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2, «Ўз сармояси тўғрисидаги Ҳисобот» - 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Хўжайли пахта тозалаш» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдани борат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.


Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Хўжайли пахта тозалаш» АЖнинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Хулоса тузилган сана:

«09» апрел 2021 йил.

**МЧЖ шаклидаги
«NAZORAT AUDIT»
аудиторлик ташкилот
директори:**



Б.Н. Назаров